

Ветеринария ва чорвачиликни  
ривожлантириш кўмитасининг  
2024-йил “ 24 ” декабрдаги  
128-У/2-сон буйруғига  
5 - Илова

**Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш кўмитаси марказий  
аппарати, республика тизим ташкилотлари вилоят бошқармалари  
ходимларининг этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида  
ўқитилишини ташкил қилиш бўйича**

**ЙЎРИҚНОМА**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Йўриқнома Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш кўмитаси марказий аппарати (*кейинги ўринларда – Кўмита*), республика тизим ташкилотлари ва вилоят бошқармалари, (*кейинги ўринларда – Тизим ташкилотлари*) ходимларининг этика ва коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича ўқитилишини ташкил қилиш бўйича тавсия ва қўлланмаларни белгилаб беради.

2. Ушбу Йўриқнома коррупциявий ҳаракатларнинг олдини олиш ва уларни содир қилишга хизмат қиладиган сабабларни бартараф этиш, ходимларнинг ҳуқуқий онгини ошириш ва уларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Кўмита ва тизим ташкилотларининг бошқа ички ҳужжатларига қатъий риоя қилиш руҳида тарбиялашга қаратилган.

3. Кўмита ва тизим ташкилотлари ходимларини этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитиш (*кейинги матнларда – Ўқитиш*) дастурлари ва материаллари Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва ушбу Йўриқномага мувофиқ ишлаб чиқилади.

**2-боб. Ўқитишнинг асосий тамойиллари**

4. Кўмита ва тизим ташкилотлари ходимларини Ўқитиш куйидаги тамойилларга асосланади:

**ҳолислик ва илмийлик**—этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ўқув материалларни тайёрлаш учун масъул шахслар уларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талаблари, халқаро стандартлар ҳамда этика ва коррупцияга қарши курашиш назарияси ва амалиётига доир илмий тадқиқотлар натижаларига мувофиқлигини таъминлайди;

**амалий жиҳатдан қулайлик**— Кўмита ва тизим ташкилотлари ходимларини Ўқитиш шакллари, усуллари ва материаллари амалий аҳамиятга эга бўлиши, реал вазиятларга асосланиши, шунингдек ходимлар томонидан олинган билимларни тушуниш даражаси ва уларни аниқ амалий вазифаларни ҳал этишда қўллаш имкониятини назорат қилинишини ўз ичига олиши лозим;

**кетма-кетлилик ва тизимлилик**—этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ўқув материаллари, шунингдек Кўмита ва тизим ташкилотлари

ходимларини ўқитиш тартиби изчил ва тузилмавий-мантикий тизимни ифодалайди. Ўқитиш умумий тушунчалар ва воқеликлардан жузъийларига, оддийдан мураккабга, бошланғичдан муқаммалга ва х.к ўтиш асосида амалга оширилади;

**хаммабоплик**–Ўқитиш Қўмита ва тизим ташкилотлари ходимларининг жорий билимлари ва кўникмаларини ҳисобга олиш, барча ходимлари учун тушунарли бўлган ўқув материалларини шакллантириш;

**дифференциаланган ёндашув**– Қўмита ва тизим ташкилотларида коррупцияга қарши ўқитиш аниқ функциялар ва тартиб-таомиллардаги коррупциявий хавф-хатар натижаларини ҳисобга олади. Коррупциявий хавф-хатарларга энг кўп мойил бўлган лавозимларни эгаллаб турган ходимлар коррупцияга қарши кўшимча равишда маҳсуе ўқитилади;

**ўқитиш усуллари ва шакллари**ни доимий равишда такомиллаштириш– Қўмита ва тизим ташкилотлари ўқув материалларини ишлаб чиқиш, ўқитиш, шунингдек ходимлар томонидан билимлар ўзлаштирилганини текшириш вақтида техник ва илмий тараққиётнинг инновацион ютуқларидан фойдаланишга ҳаракат қилади.

### **3-боб. Ўқитишнинг устувор вазифалари**

**5.** Ўқитиш шакллари ва усуллари аниқлашда, шунингдек этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ўқув материалларини шакллантиришда Қўмита ва тизим ташкилотлари ходимларини этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитиш учун масъул шахслар куйидаги устувор вазифаларга таяниши лозим:

коррупциянинг моҳияти, унинг жамият ҳаётининг турли соҳалари, Қўмита ва тизим ташкилотларининг функция ва тартиб-таомилларида пайдо бўлиш шакллари ва ўзига хос жиҳатлари, сабаблари, ижтимоий жиҳатдан хавфли ва зарарли оқибатлари тўғрисида умумий тасавурни шакллантириш;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Қўмита ва тизим ташкилотларининг Коррупцияга қарши кураш сиёсати билан белгиланган этика ва коррупцияга қарши хулқ-атворнинг ахлоқий кадриятлари ва бошка ички ҳужжатларига қатъий ва сўзсиз риоя қилишга асосланган хулқ-атвор моделини шакллантириш;

Ходимларни Қўмита ва тизим ташкилотларида амал қилувчи коррупцияга қарши кураш тамойиллари, талаблари ва тартиб-таомиллари билан таништириш;

коррупциявий хавф-хатарларни келиб чиқишига хизмат қилувчи шарт-шароитларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш қобилиятини шакллантириш, коррупциявий хулқ-атвор. Қўмита ва тизим ташкилотларининг этик хулқ-атвор қоидалари бузилишига нисбатан тоқатсизликни намоён этиш.

#### **4-боб. Ўқитишни ишлаб чиқиш ва ўтказишга масъул шахслар**

6. Қўмита ва тизим ташкилотларининг Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш тузилмалари (*кейинги ўринларда – Кадрлар бўлинмаси*) ходимларни Ўқитиш режаларини тайёрлаш, тегишли ўқув материалларини ишлаб чиқиш, ўқитиш, шунингдек ўқитишни мониторинг ва назорат қилиш учун масъулдир.

7. Қўмита ва тизим ташкилотларининг коррупцияга қарши курашиш тузилмалари (*кейинги ўринларда – махсус бўлинма*) ходимларни Ўқитиш режаларини тайёрлашда иштирок этади, коррупцияга қарши кураш соҳасидаги ўқув материалларини ишлаб чиқади, Ўқитиш ўтказилишини мувофиқлаштиради.

8. Қўмита ва тизим ташкилотларининг Кадрлар бўлинмаси Ўқитиш интизоми ва унга доир ахборотлар йиғилишини назорат қилади.

9. Қўмита ва тизим ташкилотлари тегишли тажрибага эга халқаро ёки маҳаллий корхоналар билан тузилган шартномалар (Қўмита ва тизим ташкилотларида белгиланган тартибда) асосида ўқув материалларини тайёрлаш ҳамда Ўқитишни амалга ошириш учун учинчи шахсларни жалб қилиши мумкин.

#### **5-боб. Ўқитиш турлари ва шакллари**

10. Ўқитиш қуйидаги ўқув дастурларини кўзда тутиши лозим:

барча ходимлар учун коррупцияга қарши умумий ўқитиш;

барча ходимларни этик ҳуққ-атвори қоидалари бўйича умумий ўқитиш;

коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган лавозимлар учун коррупцияга қарши махсус ўқитиш;

Қўмита ва тизим ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш тизимининг амал қилиши ва ривожланиши учун масъул бўлган ходимлар учун коррупцияга қарши махсус ўқитиш.

11. Коррупцияга қарши умумий ўқитиш ва этик ҳуққ-атвор қоидалари бўйича умумий ўқитиш Қўмита ва тизим ташкилотларининг барча ходимлари учун мажбурий ҳисобланади.

12. Қўмита ва тизим ташкилотларининг барча ходимлари учун коррупцияга қарши умумий ўқитиш амалий йўналтирилган бўлиши ва қуйидаги янги билимларга эга бўлиш ёки мавжуд билимларни такрорлаш имкониятини яратиши лозим:

Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши қонунчилиги, Қўмита ва тизим ташкилотларининг коррупцияга қарши курашиш масалалари, жумладан ўрнатилган таъқиқлар, чекловлар, ҳуқуқ ва мажбуриятлар, хизмат ҳуққ-атворига қўйилган талаблар, ходимларнинг коррупциявий ҳаракатлари аниқланганда ҳаракатлар кетма-кетлигига доир ички ҳужжатларини билиш;

коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашуви ва коррупцияга қарши бошқа талаблар соҳасидаги ҳуқуқни қўллаш амалиётига доир билимлар;

олинган билимларни қўллаш кўникмалари, жумладан Қўмита ва тизим ташкилотларининг турли фаолият соҳаларидаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш қобилияти, Қўмита ва тизим ташкилотларида ўрнатилган коррупцияга қарши кураш чораларини амалиётда қўллай билиш.

Коррупцияга қарши умумий ўқитиш материалларига киритиш учун мазкур Йўриқномага 1-иловада келтирилган мавзулардан фойдаланиш тавсия этилади.

13. Қўмита ва тизим ташкилотлари ходимларининг этика хулқ-атвор қоидалари бўйича умумий ўқитиш қабул қилинган этика тамойиллари ва қоидаларига доир янги билимларга эга бўлиш ёки бор билимлар такрорланишини таъминлаши лозим.

14. Қўмита ва тизим ташкилотлари ходимлари умумий коррупцияга қарши ўқитиш ва этика хулқ-атвор қоидалари натижалари бўйича ўрганилган материал қанчалик ўзлаштирилгани ва тушунилганлиги ҳамда олинган билим ва кўникмаларни амалиётда қўллаш имкониятини текширишга қаратилган тест синовлари топшириши лозим.

15. Қўмита ва тизим ташкилотлари ходимлари саволларнинг камида 80 фоизига тўғри жавоб берган тақдирда коррупцияга қарши умумий ўқитиш ва этика хулқ-атвор қоидаларини муваффақиятли ўзлаштирган ҳисобланади. Агар ходим саволларнинг 80 фоизидан камига тўғри жавоб берган бўлса, у такрорий тест синовларини тест топширган кундан бошлаб 5 иш куни ичида қайта топшириши лозим.

16. Коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган лавозимлар учун махсус коррупцияга қарши ўқитиш коррупцияга қарши умумий ўқитишдан мустақил (қўшимча) равишда ўтказилади.

17. Коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган лавозимлар учун коррупцияга қарши махсус ўқитиш қуйидагилар тўғрисидаги маълумотни ўз ичига олиши лозим:

коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган аниқ функция ва тартиб-таомиллардаги коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва минималлаштириш усуллари;

коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган аниқ функция ва тартиб-таомиллардаги коррупциянинг намоён бўлиш шакллари ва турлари;

учинчи шахслар билан ўзаро алоқа қилишда коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган аниқ функция ва тартиб-таомилларга хос бўлган коррупцияга қарши талаблар;

коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган аниқ функцияларни амалга оширишда қўлланиладиган қўшимча талаб ва тартиб-таомилларни ўз ичига олувчи ички ҳужжатлар.

18. Қўмита ва тизим ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш тизимининг амал қилиши ва ривожланиши учун масъул ходимларни коррупцияга

қарши махсус ўқитиш йилига камида бир марта малака ошириш шаклида (ананавий ёки масофавий тарзда ўтказиладиган семинар, тренинг ва бошқалар) коррупцияга қарши кураш соҳасидаги экспертларни жалб қилиш, шунингдек бундай ўқитишларга ихтисослашган ваколатли учинчи шахслар томонидан ташкил этиладиган тренингларда иштирок этиш орқали ўтказилади.

**19.** Қўмита ва тизим ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш тизимининг амал қилиши ва ривожланиши учун масъул ходимларни коррупцияга қарши махсус ўқитиш Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш бўйича қонунчилигидаги ўзгаришлар, коррупцияга қарши тизимларни шакллантириш ва давлат органларида коррупциянинг олдини олиш тадбирларини амалга ошириш борасидаги илғор халқаро методикаларни ўрганишни ўз ичига олиши лозим.

**20.** Ушбу Йўриқноманинг 18 бандида кўрсатиб ўтилган малака ошириш ва тренинглардан ўтиш йилига камида 5 (беш) соатни ўз ичига олиши лозим.

#### **6-боб. Ўқитиш муддатлари ва даврийлиги**

**21.** Ўқитиш Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Қўмита ва тизим ташкилотларининг ички ҳужжатларида кўзда тутилган мажбурий малака ошириш доирасида ўқитиш, учинчи шахслар билан қўшма конференциялар, йиғилишлар, симпозиумлар ўтказилишидан қатъий назар амалга оширилади.

**22.** Қўмита ва тизим ташкилотлари ходимлари этика ва коррупцияга қарши кураш соҳасида йилига камида бир марта ўқитилади.

**23.** Қўмита ва тизим ташкилотлари ходимлари қўйидаги ҳолларда коррупцияга қарши курашиш бўйича йилига бир мартадан кўп ўқитилади:

ходим коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган лавозимни эгаллаб турган бўлса;

лавозимга тайинланганда ва ротация қилинганда, агар шахснинг янги лавозими коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган лавозимлар рўйхатига кирса;

Қўмита ва тизим ташкилотларида коррупциявий ҳаракатлар билан боғлиқ ҳолатлар аниқланганда ёки амалга оширилаётган функция/тартиб-таомилнинг коррупциявий хавф-хатар даражаси ортганда;

Қўмита ва тизим ташкилотлари раҳбари қарорига мувофиқ.

**24.** Қўмита ва тизим ташкилотларига ишга қабул қилинган ёки янги лавозимга ўтказилган ходимлар ишга кирган ёки янги лавозимга ўтган вақтдан бошлаб 30 кун ичида коррупцияга қарши ва этика ҳулқ-атвори қоидалари бўйича умумий ўқитилиши шарт.

Ўқув санасини белгилашда этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитишнинг тасдиқланган йиллик жадвали, гуруҳда бўш ўринлар борлиги (қундузги ўқув шакли учун) ва мазкур бобнинг 21-22 бандларида кўзда тутилган ўқитиш муддатлари ва даврийлигига амал қилиш зарурати ҳисобга олинади.

Кейинги коррупцияга қарши умумий ўқитиш ва этика хулқ-атвор қоидалари бўйича умумий ўқитиш барча ходимлар учун Қўмита ва тизим ташкилотларининг Кадрлар бўлинимаси томонидан йилига бир мартадан кам бўлмаган даврийликда белгиланади.

**25.** Ходим коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган лавозимни эгаллаб тургани билан боғлиқ ҳолатларда ёки ходим шундай лавозимга тайинланганда махсус коррупцияга қарши ўқитиш этика ва коррупцияга қарши кураш соҳасида ўқитишнинг йиллик жадвалида белгиланган муддатларда амалга оширилади.

**26.** Кадрлар бўлинимаси ҳар йили Ўқитиш жадвалини тузади ва 1-чорак якунигача уни Қўмита ва тизим ташкилотлари раҳбарига тасдиқлаш учун тақдим этади.

Ўқитиш жадвалини тузишда ходимлар томонидан олдинги ўқитиш муддатлари ҳисобга олинади.

Ўқитиш жадвалида албатта ўқитиш курси номи, санаси, шунингдек ўқитиш тайинланган лавозимлар кўрсатилади.

Тасдиқланган жадвалга мувофиқ Кадрлар бўлинимасининг масъул ходимлари ўқитиш бошланишидан 10 иш кун олдин ходимларни хабардор қилади. Белгиланган муддатда ўқиш имконияти бўлмаса (кундузги ўқув шакли учун, масалан юқори мавсумий юклама, касаллик варақаси, режалаштирилган таътил сингари асосли сабаблар), ходим ўқиш бошланишидан 5 (беш) иш кундан кечиктирмай ўқишни бошқа санага кўчириш мақсадида Қўмита ва тизим ташкилотларининг Кадрлар бўлинимасини огоҳлантириб қўйиши лозим.

#### **7-боб. Ўқитиш интизомини назорат қилиш ва ҳужжатларни сақлаш**

**27.** Қўмита ва тизим ташкилотларининг Кадрлар бўлинимаси ходимларнинг этика ва коррупцияга қарши кураш соҳасида ўқитилишига доир маълумотларни жамлаб боради ва уларни ҳар чоракда махсус бўлинимага тақдим этиб боради.

Махсус бўлинима жамланган маълумотларни таҳлил қилади (жумладан, ўқув интизومي, ходимлар учун кийинчилик туғдираётган мавзулар ва тест саволлари) ва таҳлил натижаларини коррупцияга қарши тизимнинг амал қилиши ва ривожланиши масалалари бўйича доимий ҳисоботларга киритилишини, шунингдек ўқув материаллари коррективировка қилинишини (зарурат туғилганда) таъминлайди.

**28.** Ходим унга тайинланган ўқув ёки унинг натижалари бўйича тест синовларини белгиланган муддатларда ўтмаса, Қўмита ва тизим ташкилотларининг Қўмита ва тизим ташкилотлари раҳбари ходимнинг раҳбарини унга нисбатан тегишли қарор қабул қилиш мақсадида огоҳлантиради.

**29.** Ўқитиш жадвали, йўклама варақалари, тест натижалари, ходим ўқиганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар Қўмита ва тизим ташкилотларининг Ходимлар бўлинимасида сақланади.

## **8-боб. Яқуний қоидалар**

**30.** Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Қўмига ва тизим ташкилотларининг ички ҳужжатларидаги ўзгаришлар киритилганда, коррупцияга қарши ўқитишни ташкил этиш соҳасидаги илғор халқаро амалиёт ўзгарган тақдирда қайта кўриб чиқилади. Қўмига ва тизим ташкилотларининг Махсус бўлинмаси мазкур Йўриқномага ўзгартириш киритиш учун масъул ҳисобланади.

**31.** Ташкилот ходими эгаллаб турган лавозими, иш стажи, мавқеи ва бошқа омиллардан катъий назар мазкур Йўриқноманинг тамойиллари ва талабларига риоя қилиш учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

Ветеринария ва чорвачиликни  
 ривожлантириш кўмитаси марказий аппарати,  
 республика тизим ташкилотлари ва вилоят  
 бошқармалари ходимларининг этика ва  
 коррупцияга қарши курашиш соҳасида  
 ўқитилишини ташкил қилиш бўйича  
 Йўриқномага 1–илова

**Кўмита ва тизим ташкилотлари ходимларини коррупцияга қарши  
 курашиш бўйича умумий ўқитишнинг  
 ТАХМИНИЙ МАВЗУЛАРИ**

| Мавзу   | Компонентлар   |
|---|--|
| Коррупциянинг табиати   | Коррупция тушунчаси, унинг шакллари ва сабаблари;<br>Коррупциянинг ижтимоий-ҳуқуқий ходиса сифатидаги мазмуни;<br>Жамиятда коррупцияга муносабат.  |
| Коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари                    | Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик;<br>Кўмита ва тизим ташкилотларида коррупцияга қарши курашишга доир ички ҳужжатлар;<br>Коррупцияга қарши курашиш бўйича халқаро амалиёт.   |
| Кўмита ва тизим ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш усуллари | Кўмита ва тизим ташкилотларидаги коррупцияга қарши курашиш тизими элементлари, шунингдек муҳим чоратадбирлар шарҳи;<br>Кўмита ва тизим ташкилотларидаги манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, аниқлаш ва тартибга солиш;<br>Кўмита ва тизим ташкилотларининг коррупцияга қарши курашиш сиёсати;<br>Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ходимлар ва таркибий бўлинмаларнинг мажбурият ва ваколатлари;<br>Маъмурий тартиб-таомиллар ва регламентлардан фойдаланиш. Маъмурий тўсик ва бюрократизмни бартараф этиш;<br>Коррупциявий ҳаракатлар/уларни содир этиш хавфи юзага келган вақтдаги ҳаракатлар;<br>Коррупциявий ҳаракатлар тўғрисида хабар бериш (хабарларни узатиш каналлари, хабарлар мазмунига доир Йўриқнома, хабарларни кўриб чиқиш тамойиллари). |
| Коррупциявий хавф-хатарлар ва типик                               | Кўмита ва тизим ташкилотларида хавф-хатарлар ва коррупциявий ҳаракатларнинг асосий турлари;<br>Назорат-руҳсат бериш функциялари ва тартиб-таомиллари   |

| Мавзу  | Компонентлар  |
|--|---|
| коррупциявий ҳаракатлар                            | <p>доирасидаги коррупциявий хавф-хатарлар;<br/> Совғалар ва ишбилармонлик меҳмондўстлиги белгилари бериш/олишдаги коррупциявий хавф-хатарлар;<br/> Фуқаролар, контрагентлар ва учинчи шахслар билан ўзаро алоқалар билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар;<br/> Ходимларнинг Қўмита ва тизим ташкилотларига танлаб олиш ва ишга қабул қилишдаги коррупциявий хавф-хатарлар;<br/> Харидларни амалга ошириш билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар;<br/> Турли хизмат турлари, функциялар учун лицензия бериш, шунингдек лицензия битимлари талаблари ва шартларини бажариш устидан назорат билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар;<br/> Биноларни ижарага бериш билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар;<br/> Ўзаро ҳамкорлик ва тасарруфий Тизим ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар;<br/> Танловлар билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар;<br/> Турли ҳужжат турлари экспертизасини ўтказиш, шунингдек улар ижросини назорат қилиш билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар;<br/> Давлат назоратини амалга ошириш билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар;<br/> Қўмита ва тизим ташкилотлари фаолиятидаги бошқа хавф-хатарлар.</p> |
| Коррупциявий ҳаракатлар учун жавобгарлик           | <p>Коррупциявий ҳаракатлар учун интизомий жавобгарлик;<br/> Коррупциявий ҳаракатлар учун жиноий жавобгарлик;<br/> Ўзбекистон Республикасининг коррупциявий ҳаракатларга доир ишлари бўйича суд амалиёти шарҳи.</p>  |
| Коррупцияга қарши курашишда фуқаролик жамияти роли | <p>Жамоатчилик назорати коррупцияга қарши курашиш воситаси сифатида;<br/> Фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш;<br/> Коррупцияга қарши жамоатчилик фикри ва ҳулқ-атворини шакллантириш;<br/> Фуқаролик жамияти институтларининг Қўмита ва тизим ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлиги.</p>  |